# Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **113,9трлн** сўмниташкил этиб, ўсиш суръати **106,7фоизни**ташкил этди.

Ҳисобот даврида асосий иқтисодий соҳаларда ҳам ижобий динамика кузатилиб, саноат маҳсулотлари ҳажми **5,4фоизга**(**155,0трлн**сўм), қишлоқ хўжалиги **4,4фоизга** (**9,8трлн**сўм), асосий капиталга инвестициялар ҳажми**15,4фоизга**(**24,3трлн**сўм), хизматлар ҳажми**18,9фоизга** (**16,1трлн**сўм) ва қурилиш ишлари ҳажми эса **28,3фоизга**(**8,6трлн**сўм) ошди.

2026 йилнинг январ-июнь ойлари мобайнида вилоятда **155,0**трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати **5,4фоизни**ташкил этди.

Ҳисобот даврида**енгил саноат** (130,7%), **машинасозлик** (127%), **тоғ кон саноати** (117,9%),**мебель саноати**(117,2%) ва **кимё** (104,8%) саноати тармоқларида юқори ўсиш суръатларикузатилди.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятда хизматлар ҳажми **16,1 трлн**сўмга етказилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **118,9 фоиз**лик ўсишга эришилди.

Жумладан,соҳада юқори ўсиш суръатларимеъморчилик хизматлари(***161,1%***), таълим хизматлари*(**121,9%**)*, соғлиқни сақлаш соҳаси *(**121,8%**)*,яшаш ва овқатланиш*(**121,5%**)*, транспорт *(**121,1%**)*,алоқа ва ахборотлаштириш*(**120,0%**)* хизматларида таъминланди.

Соҳада **15 570 нафар**аҳолинингбандлиги таъминланди. Хизмалар соҳасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлашмақсадида**1,4 трлн**сўм миқдорида кредитмаблағлари ажратилди.

Шунингдек **986** та янгихизмат кўрсатиш субъектлари ташкил этилди.

Вилоятга **2026 йил6 ойида** жами **1,9млн** нафар, шундан *301 мингхорижий,1,6млн маҳаллий* **сайёҳ** ташриф буюриб, режа 107 фоизга бажарилди.

**“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!”**ички туризмдастури доирасида **519минг**нафар вилоят аҳолиси, ёшлар ва маҳалла жамоаларининг саёҳатлари ташкил этилди.

2026 йилнинг **6 ойида50 та жойлаштириш воситалари** *(3та меҳмонхона, 44та меҳмон уйи, 2 та хостел, 1 ўтовли оромгоҳ*) ташкил этилиб, ўтган йилнинг мос даврига (18 та) нисбатан **2,6баробарга** ошган.

**“Қизилқум Сафари” МЧЖ** ва **“Спутник Навоий” МЧЖ** га Республикада биринчилардан бўлиб **“Туризм кластери”** мақоми берилди.

Вилоятда охирги **уч йилда** жами **6 та** туризм қишлоғи ташкил этилди. Жумладан 2026 йил биринчи ярим йиллигида **Нурота** туманидаги**“Кичиксой, “Мушкан”** қишлоқларига **"Туризм қишлоғи"** мақоми берилди.

***Маълумот учун**: Нурота туманида **“Сентоб”, “Чуя”, “Кичиксой, “Мушкан”**, ”Хатирчи туманида **“Лангар”** ва **“Ангидон”** қишлоқлари **“туризм қишл**оғи”га айлантирилган.*

Жорий йил 6 ойида **163 та** лойиҳа доирасида **1,5 трлн** сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, режа (**1,2 трлн** сўм)**124 фоиз**га бажарилди.

Натижада, **125 млн**доллар миқдорида валюта иқтисод қилинди,**40,3 млн**долларлик экспорт амалга оширилди,**437та**янгиишўрни яратилди.

Вилоятда ишсизликни камайтириш мақсадида ҳисобот даврида **15,2 минг**нафар аҳоли доимий ишгажойлаштирилди, **22,1 мингта**иш ўринлари соядан чиқарилди,**95,1минг** аҳолини даромади оширилди.

Биринчи ярим йилликдавилоятда **907,5 млн**долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, режа **138 фоизга** бажарилди. *(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **141 фоиз,+264,4млн.**долл).*

Биринчи ярим йилликда вилоятда **124,3 млн**долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, режа **113,0фоиз**га бажарилди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш **123фоиз**ни***(+23,2 млн. долл.)*** ташкил этди.

Вилоятда 1-ярим йилликда **9842млрд**сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўсиш **104,4фоизни** ташкил этди.

Ҳисобот даврида **230,3 минг** тн буғдой, **67,6минг** тн сабзавот, **30,1минг** тн картошка, **12,9минг** тн полиз, **82,1минг** тн мева, **72,9минг** тн гўшт, **170,4минг** тн сут, **227,8** млн дона тухум етиштирилди.

**220,9 млрд.**сўмлик **73 та** қишлоқ хўжалиги лойиҳалари ишга туширилди, **6687гектар**ер майдонлари ўзлаштирилди.

**17,1минг гектар** майдонларда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниши ҳисобигаҳосилдорлик **15-20центнер** ошди ва **25-30фоиз**сув иқтисод қилинди.

Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами **519гектар** (шундан **251га** интенсив) янгидан мевали боғлар ҳамда **81гектар** узумзорлар барпо этилди.

Шунингдек, яроқсиз, кам ҳосилли **730 гектар** боғ ва **443 гектар** узумзорлар қайта реконструкция қилиниб, ўрнига экспортбоп ва саноатлашган интенсив боғ ва токзорлар барпо этилди.

Вилоятда 1-ярим йилликда**1 415 хонадонли 22 та** уй-жойлар уй-жойларфойдаланишга топширилди. Натижада **5,5минг**ортиқаҳоли янги уй-жойлар билан таъминланди.

2026 йил 1-ярим йилликда вилоятда **84,0млрд сўм**маблағлар ҳисобига**196,0км** ичимлик сув тармоқлари тортилди.

Бунинг натижасида **24минг нафар** аҳоли илк бор ичимлик сув билан таъминланди.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигидавилоятда **286,2 млрд** сўммаблағлар ҳисобига **362,5км** автомобиль йўллари *(шундан, 314,7км асфальт, 47,8км шағал қопламали)*ва **3 дона**кўприк қурилди ва таъмирланди.

Вилоятда жами **1 421 та** мактабгача таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда болаларни қамров даражаси **82,6 фоизга** ёки **80476 мингнафар**га етказилди.

Вилоятда **382 та**мактаблар, **11 та** Келажак марказлари, **1 та** болалар кутубхонаси, **1 та** Педагогик маҳорат маркази фаолият олиб бормоқда.

Ҳисобот даврида **50 та** мактабларда **146 млрд.сўм** маблағ эвазига қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, **2 та** мактаб янгидан қурилди, **39 та** мактаб реконструкция қилинди, **8 та** мактаб мукаммал ва жорий

таъмирланди, ушбу ишлар натижасида **6 200 та** янги ўринлар яратилиб, қамров даражаси **1,2дан1,1**коэффицентга туширилди.

Вилоятда **292 та**тиббиёт муассасалари фаолият олиб бориб, аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.**Скрининг** тадбирлари натижасида **3-18 ёшли** болалар ўртасида **6таонкогематологик**, **40ёшдан** ошган фуқаролар орасида **686тақандли диабет** ва **576та юрак қон томир** касалликлари, **21нафар** аёлларда **бачадон бўйни саратони**, **28нафар** аёлларда **кўкрак бези саратони** 1-ва 2-босқичларда аниқланиб соғломлаштириш ишлари олиб борилди.

Вилоятда **185нафар**болада юқори технологик амалиётлар амалга оширилиб, **36нафар** болаларнинг ногиронлиги олди олинди.

**13 578таюқоритехнологик жарроҳлик амалиётлари** амалга оширилди.

Республикага тиббий хизмат олиш учун борувчи беморлар оқими **3%** гача **камайтирилди**.

Вилоятдаги оилалар сони **319,9 минг**тани, хотин-қизлар сони **548,7 минг** нафарни ташкил қилади. Бугунги кунда иқтисодий фаол хотин-қизлар улуши тиббиётда **82 фоиз**, таълимда **74 фоиз**, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса **41 фоизни**ташкил этмоқда.

Қизларимизнинг олий таълим билан қамрови **59,6 фоиз**ни ташкил этиб, Навоий вилояти республикада етакчи ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Сўнгги уч йилда қарийб **11минг нафар**эҳтиёжманд хотин-қизлар таълим соҳасидаги давлат имтиёзларидан

фойдаланди, бу мақсадларга **12,5 млрд сўм**маблағ йўналтирилди.

2026 йилда уй-жойга муҳтож **252 нафар**хотин-қизларга**7,5 млрд сўм**лик бошланғич бадал ажратилди, **212 нафарининг**уй-жойларни таъмирлаш учун эса **2,1 млрд сўм**сарфланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг **3272 нафари**давлат ижтимоий жамғармалари ҳисобидан бепул даволатилди,**39 нафарида**махсус жарроҳлик амалиёти учун **600 млн.сўмдан ортиқ**маблағ ажратиб берилди.